



ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ ТОМОНИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шамшетова Зулхумар Караматдин кызы

Бердибоев Сардор Эркабой ўғли

Бердак номидаги Коракалпок давлат университети Юридика факултети

Аннотация: Ушбу мақолада жамоатчилик назорати хакида, жамоатчилик назорати субъектлари хакида, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиши хакида, жамоатчилик назоратида ўз фаолиятларини қандай шаклларда амалга оширишиларини кўрсатилган.

Калит сўзлар: жамоатчилик назорати, давлат органлари, ўзини-ўзи бошқарииш органлари, фуқаролар шаъни ва қадр-қиммати

Жамоатчилик назорати жамиятта ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларига муросасизлик, тенглик, маъсулият ва жавобгарлик бўлиши учун хизмат қиласиган омилдир. У инсоннинг ҳукуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланиши, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устивор бўлишини таъминлайди. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиёт том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу боис ҳам республикамизда жамоатчилик назоратини шакллантириш, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳукуқий механизmlарини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич тарзда ўтказилмоқда. Хусусан, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Конституциямизда давлатнинг жамият олдидаги масъуллиги белгилаб қўйилган эди.

2014 йилнинг 16 апрелида Конституциямизнинг бир қатор моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом берилди. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини ва уларнинг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги ваколатини мустаҳкамлашга оид юздан ортиқ норматив-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилинган. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ошиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги мавжуд норматив-ҳукуқий базани тизимли равишда ривожлантириш баробарида мазкур соҳада маҳсус қонун қабул қилинишини тақозо этди. Зоро, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва



технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастурида “Жамоатчилик назорати тўғрисида” ги қонун лойиҳасини қабул қилиш белгиланган эди. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, 2018 йил 12 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-474-сон «Жамоатчилик назорати тўғрисида» ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Бизга маълумки давлат органлари устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилар экан, давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулияти кучайиб боради ва давлат-фуқаро муносабатида фуқаро манфаатлари устунлиги таъминланади.

Қабул қилинган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектларнинг бири сифатида белгиланган. Таъкидлаш керакки, фуқоралар ўзини-ўзи бошқариш органлари, аҳоли ва давлат ҳокимияти органлари орасидаги ўзига хос кўприк вазифасини ўтагани боис, улар томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг турли масалалари қизифиши уйғатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратида ўз фаолиятларини қўйидаги шаклларда амалга оширишлари мумкин:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар беришлари;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этишлари;
- жамоатчилик муҳокамаси ўтказишлари;
- жамоатчилик эшитуви олиб боришлари;
- жамоатчилик мониторинги ўтказишлари;
- жамоатчилик экспертизасини ўтказишлари;
- жамоатчилик фикрини ўрганишлари;

Шунингдек давлат органлари мансабдор шахсларнинг ҳисботлари ва ахборотини эшитишлари мумкун.

Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назорати **субъектлари** сифатида қўйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги белгиланган:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташабbusи билан чиқишига, уларни ташкил этишига, шунингдек уларда иштирок этишига;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;



давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, хулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклда якуний хужжат тайёрланиши мумкин.

Тайёрланган якуний хужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади. Якуний хужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

Демак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида жамоатчилик назорати шаклларидан фойдаланган ҳолда давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этиши мумкин. Аммо бу ҳукуқдан фойдаланишда фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибашга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этилиши шарт.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қабул қилинган Қонун жамоатчилик назоратининг мавжуд шаклларини янада такомиллаштириш ва янги замонавий шаклларини миллий амалиётга жорий этишга, уларни янада ривожлантиришга, бу борадаги камчиликларни ва ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга солишда юзага келадиган ҳукукий эҳтиёжларни аниқлашибашга, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг самарадорлигини оширишда аҳамиятти катта. Энг муҳими, кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири – халқ ҳокимиятчилиги ва давлат бошқарувида ҳамда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтиришга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- | | | | |
|--|--------------|---------------|------|
| 1. Ўзбекистон | Республикаси | Конституцияси | URL: |
| https://constitution.uz/uz/clause/index | | | |
| 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 17-январ санасидаги “2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ги фармони URL: https://lex.uz/uz/docs/4168749 | | | |



3. Ўзбекистон Республикасининг 2018-йил 12-апрел санасидаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни. URL: <https://lex.uz/docs/3679092>
4. Утемуратова, Ш. (2014). ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА БУ ТУРДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 23(2), 104-107. URL:<https://karsu.uz/wp-content/uploads/2019/04/%D0%B2%D0%BD%D1%81%D1%82%D0%BD%D0%B8%D0%BA-2014-2.pdf#page=102>
5. Утемуратова, С., & Бегжанова, Г. (2015). БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА УЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШ БОРАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 26(1), 108-111.
6. Утемуратова С. Инсан мәплери үстинлигин тәмийнлеўдиң конституциялық тийкарлары. «Инсон манфаатларини таъминлашда Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси Нукус 15 май 2017 –Б.11-12.